



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Р.Глиэр номидаги республика
ихтисослаштирилган мусика
мактаби директори

А.Х.Джамалдинов

20" июнь 2022 йил

**Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика
мактабининг энг яхши таклифини танлаш комиссияси йиғилишининг
4-сонли БАЁННОМАСИ**

“ 20 “ июнь 2022 йил

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

Комиссия раиси;	Директор – А.Джамалдинов
Комиссия аъзолари:	Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари С.Саидов, бош ҳисобчи Ғ.Абилов, Иқтисодиёт ва Молия бўйича директор ўринбосари К.Касимов, Хамшира Г.Маликова, Комендант Г.Садикова

КУН ТАРТИБИ:

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика мактаби ўқувчиларни тиббий-санитарний қоидаларга риоя қилган ҳолда умумий овқатланишни ташкиллаштириш таъминлаш тўғрисида.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси – Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари С.Саидов сўзга чиқиб, Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика мактаби ўқувчиларини ҳар куни сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш учун 17.06.2022 йилдаги 22110012104959-сонли лот рақами билан давлат хариди юзасидан махсус ахборот порталига жойлаштирилган танлов эълони юзасидан икки кун муддатда эътироз келиб тушмаганлигини айтиб, ушбу эълон бўйича ўз таклифини тақдим этган **“BOHODIR IDEAL TAOMLARI” МЧЖ** нинг 975 914 100 сўмга шартнома қилиш таклифи киритди.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этилиб, қарор қилади:


1. Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби ўқувчиларини ҳар кун иссиқ овқат билан таъминлаш ҳарид қилиш бўйича “BOHODIR-IDEAL-TAOMLARI” МЧЖнинг таклиф нархлари, хизмат турлари мусиқа мактаби учун энг мақбул деб топилганлиги сабабли ва икки кун муддатда ҳеч қандай эътироз келиб тушмаганлигини инобатга олиб бир овоздан маъқуллансин.

2. “BOHODIR-IDEAL-TAOMLARI” МЧЖтанлов ғолиби деб топилсин ва ушбу ташкилот билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

3. Ушбу баённома ижроси Бош ҳисобчи Абилов Ғ.Э зиммасига юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

Директор ўрин.



С.Саидов

Директор ўрин.




К.Касимов

Бош ҳисобчи



Ғ.Абилов

Хамшира



Ғ.Маликова

Комендант



Ғ.Садикова

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ 2- сон

Тошкент шаҳри

2022 йил "20" июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26-сентябрдаги ПК-3290 сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018 ва 33- сон Низоми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953 сонли қарори асосида **"BOHODIR IDEAL TAOMLARI" МЧЖ** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан директор **Б.Тулаганов** устав асосида ҳаракат қилувчи бир томондан ва **Р.Глиэр** номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан директор **А.Джамалдинов** устав асосида ҳаракат қилувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган сифатли овқатлантириш хизматларни кўрсатиш, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартномани амал қилиш вақти 2022 йил 20 июндан 2022 йил 31 декабргача.

2. Хизмат ҳақи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ қарорда кўрсатилган миқдордаги тўловни кўрсатилган муддатда тўлаб бериши.

2.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.4. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти

3.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- ижрочига туланиши керак булган маблағ ўз вақтида тўлаш.
- қарорда ва шартномада кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

- ижрочи қарорда кўрсатилган қоидаларга мунтазам риоя қилиши.
- овқатлантиришни талабларини ўз вақтида бажариш

3.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- буюртмачи ўқувчиларнинг сифатли овқатланишларини мунтазам назорат қилиб боришлиғи.

3.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- буюртмачи (ота-оналар тўлови ва) давлат бюджетидан молиялаштирилладиган маблағларни ўз вақтида имтиёзли овқатлантиришга йўналтириши.
- қарорда ва шартномада кўрсатилган бошқа мажбуриятларни бажариши.

4. Шартнома баҳоси ва тўлов тартиби

4.1. Шартномани баҳоси қуйидагиларни ташкил этади 975 914 100 сўм (Тўққиз юз етмиш беш миллион тўққиз юз етмиш тўрт минг бир юз) сўм. Тўлов 30 % олдиндан тўлаб бериш қолган 70 % суммани бажарилган ишни ойма-ой далолатномаси ва тўлов графиги асосида амалга оширилади.

4.2. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

4.3. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини ҳар ой тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

4.4. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

4.5. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

4.6. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги. Низоларни ҳал қилиш

5.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт.

5.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар тегишли тартибда кўриб чиқади

6. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 15 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

7. Шартноманинг бошқа шартлари

6.1. Шартнома 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

6.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

8. Тарафларнинг юридик манзили

“Ижрочи”
“BOHODIR IDEAL TAOMLARI” МЧЖ

Тошкент тумани
Бархаёт кўчаси 3 уй
Х/р: 20208000905162986001
Банк: Мирокредит банк Келес фил.
МФО: 00470
ИНН: 307 023 851



Тулаганов

“Буюртмачи”

Р.Гизр номидаги Республика
ихтисослаштирилган мусика мактаби
г.Ташкент, ул.Зиё, 4-дом
Телефон: 71 246-03-24
Р/с: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк: ХККМ Марказий Банк Тошкент.ш.ББ
МФО 00014 400610360262807092100056001
ИНН: 201448915 ОКОНХ: 92120
ИЧН Казнагайство: 201122919
УС: 400110860262807092100056001



А.Джамалдинов

Ҳолат: Асқаров

"BOHODIR-IDEAL-TAOMLARI"

МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Бархаёт кучаси 3 уй

ЗАНГИОТА Т., "МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ КЕЛЕС ФИЛИАЛИ

х/р 20208000905162986001

МФО 00 470 ИНН 307023851

Спецификация

Овқат номи	Бола сонн	Бахоси	Умумий суммаси
Нонушта	500	487957,05	243 978 525
Тушлик	500	487957,05	243 978 525
Тушдан кейин	500	487957,05	243 978 525
Кечки овқат	500	487957,05	243 978 525
Жами			975 914 100

Жами : 975 914 100 (Тўққиз юз етмиш беш миллион тўққиз юз етмиш тўрт
минг бир юз) сўм

Директор:

Ошпа:





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BOHODIR-IDEAL-TAOMLARI" Mas'uliyati cheklangan Jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektlari tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BOHODIR-IDEAL-TAOMLARI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazilish ma'lumotlarini o'zgartirish)

14.01.2020

801116

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307023851

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan Jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Toshkent tumani, Masalboy, xududi, Barxayot ko'chasi 3
uy.

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Toshkent tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



